

БУХОРО ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ А Ж Р И М И

2025 йил июль ойининг 17 куни, Бухоро вилоят суди биносида, Бухоро вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанцияси очик суд мажлисида, видеоконференцалоқа режимида

Раислик қилувчи: Н.Жураев,

Ҳайъат судьялари: С.Ҳамроқулов ва Т.Тангриевдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси А.Маматовнинг котиблигида, тарафлардан Бухоро вилоят прокуратурасининг судларда прокурор ваколатини таъминлаш бўлими прокурори И.Рахимов, судланган И.Исломов ва унинг ҳимоячиси-адвокат Ё.Зиёдуллоевнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Когон шаҳар судининг 2015 йил 29 сентябрдаги ҳукмига нисбатан судланган И.Исломовнинг ҳимоячиси-адвокат Ё.Зиёдуллоев томонидан кассация тартибида келтирилган шикоят асосида жиноят ишини кассация инстанцияси судлов ҳайъатида кўриб чиқиб, қуйдагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича Когон шаҳар судининг 2015 йил 29 сентябрдаги ҳукмига кўра,

1969 йил 9 апрель куни Шофиркон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, беш нафар фарзанди бор, муқаддам:

- 1) Шофиркон туман судининг 1993 йил 05 майдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг (эски таҳрирдаги) 125-моддаси 2-қисми билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;
- 2) Жиноят ишлари бўйича Ромитан туман судининг 1998 йил 27 майдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан 3 ой қамоқ жазоси тайинланган;
- 3) Жиноят ишлари бўйича Ромитан туман судининг 1998 йил 14 июлдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а,б,г” бандлари билан ЖКнинг 60-моддаси тартибида 7 йил 23 кун озодликдан маҳрум қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 22 августдаги “Амнистия тўғрисида”ги Фармонида асосан жазодан озод қилинган;
- 4) Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг 2006 йил 30 октябрдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми, 28,25,97-моддаси 2-қисми “а,г,д” бандлари, 169-моддаси 4-қисми “а,в” бандлари, 219-моддаси 1-қисми ва 248-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида 16 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;



5) Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг 2007 йил 27 февралдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 164-моддаси 4-қисми “а,в” бандлари, 219-моддаси 1-қисми ва 227-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖКнинг 59,61-моддалари ва 59-моддасининг олтинчи қисми тартибида 18 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Муборак туман судининг 2013 йил 11 июлдаги ажримига асосан унга нисбатан қидирув эълон қилиниб, ўталмай қолган 10 йил 8 ой 16 кун озодликдан маҳрум қилиш жазо муддати манзил колониясидан қаттиқ тартибли колонияга ўтказиш белгиланган, Вобкент туман ИИБ ТГ терговчиси Ж.Джавкашевнинг 2014 йил 19 сентябрдаги қарорига асосан қидирув эълон қилинган, 2015 йил 24 январь куни ушланиб, шу куни Бухоро шаҳар 3-сон тергов хибсхонасига жойлаштирилган, жиноят ишлари бўйича Вобкент туман судининг 2015 йил 20 февралдаги ажрими билан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланган, ҳеч қаерда ишламаган, Шофиркон тумани, “Қайрағоч” МФЙ, “Арабхона” қишлоғида яшаган, айблов хулосаси ва ҳукм нусхасини олган Исломов Ихтиёр Аслонович

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 4-қисмининг “в” банди ва 219-моддасининг 2-қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилганликда айбдор деб топилиб, унга ЖКнинг 169-моддаси 4-қисмининг “в” банди билан 9 (тўққиз) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 219-моддаси 2-қисми билан 2 (икки) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 59-моддасига асосан жазоларни қисман қўшиш йўли билан 10 (ўн) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 60-моддасига асосан Исломов Ихтиёр Аслоновичга жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг 2007 йил 27 февралдаги ҳукми билан тайинланган жазонинг ўталмай қолган 10 йил 8 ой 16 кун муддати мазкур ҳукм билан тайинланган жазога қисман қўшиб, узил-кесил 14 (ўн тўрт) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Судланган Исломов Ихтиёр Аслонович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 34-моддасига асосан ўта хавfli рецидивист деб топилиб, жазони махсус тартибли колонияда ўташ белгиланган.

Исломов Ихтиёр Аслонович жиноятларни уюшган гуруҳ аъзолари билан содир этиб, яширинганлиги муносабати билан унга нисбатан қидирув эълон қилинган ҳолда жиноят ишининг унга тегишли қисми алоҳида иш юритувга ажратилиб ҳаракатдан тўхтатилган бўлиб, жинойий шериклари Шарипов Акрам Махмудович, Исломов Шаниёр Шавкатович, Ражабов Бекзод Исроилови ва Тўхтаев Рашид Давроновичларга оид қисми айблов хулосаси билан судга юборилган.

Жиноят ишлари бўйича Вобкент туман судининг 2015 йил 20 январдаги ҳукми билан уюшган жинойий гуруҳ аъзолари Шарипов Акрам Махмудович, Исломов Шаниёр Шавкатович, Ражабов Бекзод Исроилович ва Тўхтаев Рашид Давроновичга озодликдан маҳрум қилиш жазолари тайинланган.



Суднинг ҳукмига кўра, судланувчи И.Исломов фуқаролар Шаропов Акрам Махмудович, Исломов Шаниёр Шавкатович, Ражабов Бекзод Исроилович ва Тўхтаев Рашид Давроновичлар билан олдиндан жиноий тил бириктириб, уюшган гуруҳ тузиб ва унга раҳбарлик қилиб, уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб, такроран уй-жой ва бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб, ўзганинг мулкани яширин равишда талон-торож қилиш ҳамда ўз хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига фаол қаршилик кўрсатиб, уни ўз хизмат вазифасини бажаришдан воз кечишига мажбур қилиб, хавфли рецидив жиноятни қўйидаги вақт ва усулларда содир қилган.

Чунончи, И.Исломов уй-жой ва бошқа хонага такроран ғайриқонуний равишда кириш орқали ўзи раҳбарлик қилган уюшган гуруҳ аъзолари Ш.Исломов билан 2013 йил 10 декабрдан 11 декабрга ўтар кечаси Ғиждувон тумани, «Қорахони» ҚФЙ, «Устокўча» қишлоғида жойлашган Тешаев Хаким Сайидовичнинг яшаш уйи олдидаги молхонасидан унга тегишли умумий баҳоси 4.000.000 сўмлик бир бош сигири ва 9 ойлик бузоғини;

Ш.Исломов ва Р.Тўхтаев билан 2013 йил 17 декабрдан 18 декабрга ўтар кечаси Ғиждувон туман, «Зарангари» ҚФЙ, «Урганжи» қишлоғи, 34-уйда яшовчи Содиқов Носир Сафоевичнинг яшаш уйи олдидаги молхонасидан жами баҳоси 3.500.000 сўмлик бир бош сигири ва бузоғини;

шунингдек, И.Исломовнинг ўзи уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб, 2014 йил 11 январдан 12 январга ўтар кечаси Шофиркон туман, “Боғиафзал” ҚФЙ, “Сўфиён” қишлоғида жойлашган “Умид” фермер хўжалигининг молхонасидан Аминов Мехрожиддин Тоировичнинг 2.500.000 сўмлик бир бош хўкизини;

А.Шаропов ва Ш.Исломов билан 2014 йил 09 февралдан 10 февралга ўтар кечаси Вобкент тумани, «Эхсон» ҚФЙ, «Ғарибшоҳ» қишлоғида яшовчи Нуруллаев Шавкат Иззатовичнинг яшаш уйи олдида жойлашган молхонасидан унга тегишли бўлган уч бош жами баҳоси 7.000.000 сўмлик қорамолларини;

А.Шаропов билан 2014 йил 23 февралдан 24 февралга ўтар кечаси Бухоро тумани, «Кўчқумар» ҚФЙ, «Туркон» қишлоғида жойлашган Ғадоев Анвар Авезовичнинг молхонасидан унга тегишли умумий баҳоси 7.000.000 сўмлик икки бош қорамолини;

А.Шаропов ва Ш.Исломов билан 2014 йил 01 мартдан 02 мартга ўтар кечаси Вобкент тумани, «Латифсобунгар» МФЙ, «Қатағон» қишлоғида яшовчи Садуллаев Насулланинг молхонасидан унга тегишли 3.000.000 сўмлик бир бош хўкизини, умумий баҳоси 5.000.000 сўмлик бир бош сигир ва бир бош 3 кунлик бузоқчаси, жами 8.000.000 сўмлик қорамолларини;

шунингдек, И.Исломовнинг ўзи уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб, 2014 йил 1 март кунидан 2 март кунига ўтар кечаси Шофиркон туман, “Жўйрабод” ҚФЙ, “Маҳаллапоён” қишлоғида яшовчи Қаххоров Суннатилло Туевичнинг молхонасидан умумий баҳоси 4.500.000 сўмлик бир бош сигир ва бир бош бузоғини;

А.Шаропов ва Ш.Исломов билан 2014 йил 8 мартдан 9 мартга ўтар кечаси Ғиждувон туман, «Сарвари» ҚФЙ «Каллой» қишлоғида жойлашган



Ашуров Мурод Рашидовичнинг молхонасидан умумий баҳоси 4.650.000 сўмлик олти бош қўй-қўзиларини;

А.Шаропов ва Ш.Исломов билан 2014 йил 11 мартдан 12 мартга ўтар кечаси Бухоро тумани, “Янги турмуш” ҚФЙ, «Лабиденов» қишлоғида яшовчи Ахмедов Хақимнинг молхонасидан унга тегишли жами баҳоси 1.400.000 сўмлик икки бош қўчқори ҳамда баҳоси 3.000.000 сўмлик бир бош сигири, жами 4.400.000 сўмлик молини;

А.Шаропов ва Ш.Исломов билан 2014 йил 29 мартдан 30 мартга ўтар кечаси Вобкент тумани, «Пирмаст» ҚФЙ, «Анжирбоғ» МФЙ «Қахат» қишлоғида яшовчи Комилов Илхом Нозимовичнинг молхонасидан унга тегишли бир бош 3.000.000 сўмлик қизил рангли ва бир бош 2.200.000 сўмлик сариқ рангли хўкизлари, жами 5.200.000 сўмлик қорамолларини;

А.Шаропов ва Ш.Исломов билан 2014 йил 21 апрелдан 22 апрелга ўтар кечаси Шофиркон туман, “Мазлахон Чандир” ҚФЙ, “Чандир” қишлоғида жойлашган Эргашев Гулом Мухторовичнинг қўйхонасидан унга тегишли умумий баҳоси 3.650.000 сўмлик етти бош қўйларини;

А.Шаропов ва Ш.Исломов билан 2014 йил 24 апрелдан 25 апрелга ўтар кечаси Ғиждувон туман “Қуччи” чўл массивида жойлашган Махмудов Қувондиқ Усмоновичнинг қўйхонасидан унга тегишли умумий баҳоси 5.000.000 сўмлик уч бош қорамолларини;

А.Шаропов билан 2014 йил май ойининг охирида Ғиждувон туман, “Қуччи” чўл массивида жойлашган Эшпўлатов Жобир Чинпўлатовичнинг молхонасидан умумий баҳоси 5.000.000 сўмлик бир бош ғуножин, бир бош сигир ва бузоғини;

шунингдек, И.Исломов уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб, 2014 йил 08 июндан 09 июнга ўтар кечаси Шофиркон туман, Ш.Хамроев ҚФЙ “Юқсун” қишлоғида жойлашган «Бехруз-Бурхон» фермер хужалигининг боғ майдонидан, Носиров Шаҳобиддин Санокүловичга тегишли жами баҳоси 1.850.000 сўмлик уч бош қўй ва уч бош қўзиларини;

А.Шаропов билан 2014 йил 10 июндан 11 июнга ўтар кечаси Навоий вилояти, Навбахор тумани, «Қоражон» маҳалласида яшовчи Ризаев Ёркин Комиловичнинг молхонасидан унга тегишли 3.500.000 сўмлик бир бош сигир ва 2.500.000 сўмлик бир бош хўкизи, яъни умумий баҳоси 6.000.000 сўмлик қорамолларини;

А.Шаропов билан 2014 йил 10 июндан 11 июнга ўтар кечаси Навбахор тумани, «Қоражон» маҳалласида яшовчи Пўлатов Давроннинг молхонасидан унга тегишли умумий баҳоси 3.800.000 сўмлик икки бош қорамолларини;

шунингдек, И.Исломов уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб, 2014 йил 12 июндан 13 июнга ўтар кечаси Шофиркон туман, “Жўйрабод” қишлоғидаги “Комила-Карим” фермер хўжалигининг қўйхонасидан Адизова Комила Халиловнага тегишли бир бош 900.000 сўмлик қўчқорини;

2014 йил 14 июндан 15 июнга ўтар кечаси Шофиркон туман, “Ғуломте” қишлоғида яшовчи Тошов Ихтиёр Мансуровичнинг қўйхонасидан унга тегишли умумий баҳоси 1.600.000 сўмлик тўрт бош қўйларини;

А.Шаропов ва Ш.Исломов билан 2014 йил 23 июндан 24 июнга ўтар кечаси Ғиждувон туман, «Қорахони» ҚФЙ “Миришкор” қишлоғида



жойлашган Ярашова Насиба Шавкатовнанинг кўйхонасидан жами баҳоси 2.900.000 сўмлик олти бош кўй-қўзиларини;

А.Шаропов билан 2014 йил 3 июлдан 4 июлга ўтар кечаси тахминан соат 02:00да Вобкент тумани, «Ином Найимов» ҚФЙ «Хўжалар» қишлоғидаги «Ҳайдар Дилором Замини» фермер хўжалиги дала майдонидан Халилова Лутфия Нарзиевнанинг ҳар бири 3.000.000 сўмлик жами тўрт бош 12.000.000 сўмлик қорамолларини;

А.Шаропов ва Б.Ражабов билан 2014 йил 10 июлдан 11 июлга ўтар кечаси Навоий вилояти, Кармана тумани, «Хазара» МФЙда жойлашган «Мархабо Рамазон қизи» фермер хўжалигининг ер майдонида қаровсиз қолдирилган, шу манзилнинг «Пахлавон» маҳалласида яшовчи Ботиров Комил Каримовичнинг умумий баҳоси 8.000.000 сўмлик икки бош қорамолларини;

А.Шаропов ва Б.Ражабов билан 2014 йил 14 июлдан 15 июлга утар кечаси Пешку тумани, «Зандане» қишлоғидаги "Зандане тонги" фермер хўжалигининг дала майдонидан Атоев Хошим Юсуповичнинг ҳар бирининг баҳоси 2.200.000 сумдан, икки бош умумий баҳоси 4.400.000 сўмлик хўкизларини;

А.Шаропов ва Б.Ражабов билан 2014 йил 18 июлдан 19 июлга ўтар кечаси Навоий вилояти, Кармана туманидаги «Нурли Ватан» фермер хўжалиги ер майдонида қаровсиз қолдирилган, «Хазора» ҚФЙ, «Тошрабод» МФЙда яшовчи Давлатов Соҳиб Содиқовичнинг ҳар бирининг баҳоси 3.000.000 сўмлик, умумий баҳоси 6.000.000 сўмлик икки бош қорамолларини;

шунингдек, И.Исломовнинг ўзи уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб, 2014 йил 22 июлдан 23 июлга ўтар кечаси Шофиркон туман, “Жилвон” МФЙ, “Хазина” қишлоғида яшовчи Шарипов Сатторнинг уйдан унга тегишли уч бош жами баҳоси 2.100.000 сўмлик кўйларини;

А.Шаропов ва Б.Ражабов билан 2014 йил 17 августдан 18 августга ўтар кечаси Пешку туман, “Қалаймиришкор” ҚФЙ, «Талисобун» қишлоғидаги “Қалаймиришкор баҳори” фермер хўжалиги дала майдонидан Сатторов Жўрабой Фаттоевичга тегишли бир бош 2.000.000 сўмлик ҳукизи ва бир бош 2.000.000 сўмлик ғунажини, жами 4.000.000 сўмлик қорамолларини;

шунингдек, И.Исломовнинг ўзи уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб, 2014 йил 18 августдан 19 августга ўтар кечаси Шофиркон туман, “Искогаре” қишлоғида жойлашган Тўраев Дамин Ахтам ўғлининг кўйхонасидан унга тегишли икки бош баҳоси 1.000.000 сўмлик кўйларини;

А.Шаропов ва Б.Ражабов билан 2014 йил 20 августдан 21 августга ўтар кечаси Навоий вилояти, Конимех тумани, «Юксалиш» маҳалласи «Қумрабод» қишлоғида жойлашган «Динара-Шоира» фермер хўжалиги ерларида қаровсиз қолдирилган Кенжаев Баҳодир Хамидовичга тегишли бир бош 4.500.000 сўмлик сигирини;

А.Шаропов ва Б.Ражабов билан 2014 йил 20 августдан 21 августга ўтар кечаси Конимех тумани, “Юксалиш” маҳалласи «Қумрабод» қишлоғида жойлашган «Динара-Шоира» фермер хўжалиги ерларида қаровсиз



колдирилган Кенжаев Бозорбой Хамидовичга тегишли уч бош умумий баҳоси 7.000.000 сўмлик ҳўкизчаларини;

шунингдек, И.Исломовнинг ўзи уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб, 2014 йил 19 сентябрдан 20 сентябрга ўтар кечаси Шофиркон туман, “Юқори Искогаре” МФЙ, “Искогаре” қишлоғида яшовчи Наимова Дилфуза Сувоновнанинг уйининг орқа томонида жойлашган кўрасидан унга тегишли беш бош жами баҳоси 2.500.000 сўмлик кўйларини;

И.Исломов уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб, 2014 йил 25 ноябрдан 26 ноябрга ўтар кечаси Шофиркон туман, “Дўрмон” ҚФЙ, “Кўлобод” қишлоғида яшовчи Файзиев Улуғбек Эргашовичнинг молхонасидан жами баҳоси 1.650.000 сўмлик уч бош кўчқор ва бир бош кўйларини;

И.Исломов уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб, 2014 йил 19 декабрдан 20 декабрга ўтар кечаси Шофиркон туман, “Бобоҳайдар” МФЙ, “Тоштемир” қишлоғида яшовчи Расулов Ҳаким Ҳалимовичнинг уйидаги кўрасидан бир бош 600.000 сўмлик кўйини;

И.Исломов уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб, 2014 йил 14 декабрдан 15 декабрга ўтар кечаси Шофиркон туман, “Вардонзе” ҚФЙ, “Янгиобод” қишлоғида яшовчи Хотамов Шухрат Рўзиевичнинг молхонасидан 600.000 сўмлик бир бош кўйини;

И.Исломов уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб, 2015 йил 02 январдан 03 январга ўтар кечаси Навоий вилояти, Навбахор туман, “Хашман” МФЙда яшовчи Пармонов Сайритдин Сабриддин углининг молхонасидан 3.000.000 сўмлик бир бош ҳўкизини;

И.Исломов уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб, 2015 йил 13 январдан 14 январга ўтар кечаси Шофиркон туман, “Дўрмон” ҚФЙ, “Бойлар” қишлоғида яшовчи Идиев Вали Ғаниевичнинг молхонасидан 2.200.000 сўмлик бир бош ҳўкизини яширин равишда ўғирлаб, воқеа жойидан яширинган.

Бундан ташқари, 2015 йил 24 январь куни Шофиркон туман ИИБ ходимлари томонидан қидирув эълон қилинган И.Исломовни ушлаш давомида, у ИИБ ходимларига фаол қаршилик кўрсатиб, хизмат вазифасини бажараётган Шофиркон туман ИИБ ХООБ МТП профилактика инспектори лейтенант Шамсиев Нодир Наимовични қўлида бўлган болта билан уриб, уни хизмат вазифасини бажаришдан воз кечишга мажбур қилган.

Ҳимоячи Ё.Зиёдуллоев шикоятда биринчи инстанция суди судланувчи И.Исломовнинг ҳаракатларини ЖКнинг 169-моддаси 4-қисми “в” банди билан квалификация қилишда хатога йўл қўйганлигини ҳамда адолатсиз оғир жазо тайинланганлигини, иш ҳолатига аниқлик киритиш учун иш бўйича судланганлар Шаропов Акрам Махмудович, Исломов Шаниёр Шавкатович, Ражабов Бекзод Исроилович ва Тўхтаев Рашид Давроновични сўрок қилишни ҳамда судланувчининг ҳаракатларини ЖКнинг 169-моддаси 4-қисми “в” бандидан 169-моддаси 3-қисми “а” бандига қайта квалификация қилиб, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, жазони камайтиришни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят суди судьяси Т.Тангриевнинг маърузасини, судланган И.Исломов ва унинг ҳимоячиси-адвокат



Ё.Зиёдуллоевнинг шикоятни қаноатлантириш тўғрисидаги, прокурор И.Рахимовнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш тўғрисидаги музокара сўзларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини кассация шикояти билан бирга ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Судлов ҳайъати, судланган И.Исломовнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятларни содир этганликдаги айби, унинг ўзини дастлабки тергов ва биринчи инстанция судида берган кўрсатувлари, ушбу иш юзасидан жиноят ишлари бўйича Вобкент туман суди томонидан судланган Шаропов Акрам Махмудович, Исломов Шаниёр Шавкатович, Ражабов Бекзод Исроилович ва Тўхтаев Рашид Давроновичларнинг дастлабки тегов жараёнида ҳамда жиноят ишлари бўйича Вобкент туман судида жиноятларни И.Исломов бошчилигида содир этганликлари хусусида берган кўрсатувлари, шунингдек жиноят ишлари бўйича Вобкент туман судининг 2015 йил 20 январдаги ҳукми билан судланувчи И.Исломовнинг жиноий шериклари Шарипов Акрам Махмудович, Исломов Шаниёр Шавкатович, Ражабов Бекзод Исроилови ва Тўхтаев Рашид Давроновичларнинг ҳар бири ЖКнинг 169-моддаси 4-қисми “в” банди билан айбдор деб топилиб, озодликдан маҳрум қилиш жазолари тайинланганлиги, биринчи инстанция судида сўроқ қилинган жабрланувчилар Тешаев Хақим Сайидович, Содиқов Носир Сафоевич, Аминов Мехрожиддин Тоирович, Нуруллаев Шавкат Иззатович, Гадоев Анвар Авезович, Қаххоров Суннатилло Туевич, Ашуров Мурод Рашидович, Аҳмедов Хақим, Комилов Илҳом Нозимович, Эргашев Гулом Мухторович, Махмудов Қувондиқ Усмонович, Эшпўлатов Жобир Чинпўлатович, Носиров Шаҳобиддин Саноқулович, Ризаев Ёркин Комилович, Пўлатов Даврон, Адизова Комила Халиловна, Ярашова Насиба Шавкатовна, Халилова Лутфия Нарзиевна, Ботиров Комил Каримович, Атоев Хошим Юсупович, Давлатов Соҳиб Содиқович, Шарипов Саттор, Сатторов Жўрабой Фаттоевич, Тўраев Дамин Ахтам, Кенжаев Баҳодир Хамидович, Кенжаев Бозорбой Хамидович, Наимова Дилфуза Сувоновна, Файзиев Улуғбек Эргашович, Расулов Хақим Халимович, Хотамов Шухрат Рўзиевич, Пармонов Сайритдин Сабриддин, Идиев Вали Ғаниевич, Шамсиев Нодир Наимовичларнинг кўрсатувлари ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган воқеа жойини кўздан кечириш баённомалари ва илова қилинган фотосуратлар /1-жилд, и.в. 4-10, 35-36, 147-150, 184-185; 2-жилд, и.в. 5-7, 32-33, 65-68, 100-104, 158-161, 189-192, 230-232; 3-жилд, и.в. 2-11, 28-32, 36-48, 101-104, 154-160, 195-202; 4-жилд, и.в. 3-7, 88-94; 5-жилд, и.в. 5-9, 197-203; 6-жилд, и.в.199-224; 7-жилд, и.в. 2-13, 77-89, 142-146, 154-163, 228-241; 8-жилд, и.в. 55-63, 112-125, 9-жилд, и.в. 3-7/, нарсани кўздан кечириш ва олиш баённомалари /1-жилд, и.в. 13-15; 2-жилд, и.в. 13-15, 77, 80, 111-113, 142-143, 206; 5-жилд, и.в. 269; 7-жилд, и.в. 147-150, 223-225; 8-жилд, и.в. 107/, кўрсатувларни ходиса жойида текшириш баённомалари ва илова фотосуратлар /1-жилд, и.в. 20-22, 138-139, 259-262, 274-286; 2-жилд, и.в. 90-94, 121-124, 153-154, 177-182, 220-223, 249-253; 3-жилд, и.в. 85-95, 119-122, 131-132, 138-143, 172-178; 7-жилд, и.в. 68-71, 216-221; 8-жилд, и.в. 44-48, 101-106, 176-179; 9-жилд, и.в. 88-92/, нарсани таниб олиш учун кўрсатиш баённомалари ва илова қилинган фотосуратлар /1-жилд,



и.в. 123; 2-жилд, и.в. 86-88, 125-126, 149; 5-жилд, и.в. 280-285; 8-жилд, и.в. 49-51, 110/, трасологик экспертиза хулосалари /2-жилд, и.в. 201-204, 211-214; 5-жилд, и.в. 177-183; 7-жилд, и.в. 173-177/, судга оид тиббий экспертиза хулосаси /6-жилд, и.в. 237-238/, айбига иқрорлик аризалари, тинтув ва юзлаштириш баённомалари, тушунтириш хатлари билан ўз тасдиғини топган бўлиб, суд ҳукмида ушбу ҳолатларга ҳуқуқий баҳо берилган деб ҳисоблайди.

Биринчи инстанция суди томонидан судланувчи И.Исломовнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 4-қисми “в” банди ва 219-моддасининг 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган.

Суд, И.Исломовга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7,8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунидаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги раҳбарий кўрсатмаларидан келиб чиқиб, унинг шахсини, қилмишидан пушаймонлигини, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, жиноят содир этишдаги иштирокчилик даражаси ва ролини, жиноят оқибатида етказилган моддий зарарнинг аксарият қисми қопланмаганлигини, унинг айнан ушбу турдаги ўғрилиқ жиноятларини содир этганлиги учун муқаддам судланган бўлиб, жазо чорасини ўтаб туриб, ахлоқан тузалиш йўлига кирмай, уюшган жиноий гуруҳ тузиб, такроран ўғрилиқ жиноятларини содир этганлигини, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи барча ҳолатларини инобатга олиб, содир этган жиноятлари учун жиноят кодекси модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, тўғри хулосага келган.

Судлов ҳайъати, шикоятда келтирилган важлар билан қуйидаги асосларга кўра келишмайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 29-моддаси 4-қисмига мувофиқ икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиноий *фаолият олиб бориш* учун бир гуруҳга бирлашиши уюшган гуруҳ деб топилади.

Жумладан, судланувчи И.Исломовнинг кўрсатувларида ҳамда айбига иқрорлик билдириб ёзган аризаларида бир гуруҳ бўлиб, фуқароларнинг чорва молларини ўғрилаш учун келишган ҳолда фаолият юритиб, уюшган гуруҳ аъзолари томонидан жами 34 та ҳолатда фуқароларнинг чорва молларини ўғриланиб, сотиб пулларини ўзлаштирилганлиги хусусида баён қилинган.

Шу сабабли ҳолатлар бўйича судланувчи И.Исломовнинг жиноий шериклари Шаропов Акрам Махмудович, Исломов Шаниёр Шавкатович, Ражабов Бекзод Исроилович ва Тўхтаев Рашид Давронович жиноят ишлари бўйича Вобкент туман судининг 2015 йил 20 январдаги ҳукми билан ЖКнинг 169-моддаси 4-қисми “в” бандида кўрсатилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилган.



Судланувчи И.Исломовнинг 2015 йил 24 январь куни хизмат вазифасини бажараётган Шофиркон туман ИИБ ХООБ МТП профилактика инспектори Н.Шамсиевнинг хизмат вазифасини бажаришдан воз кечишга мажбур этишда ифодаланган айби жабрланувчи Н.Шамсиевнинг дастлабки тергов жараёнидаги (жилд-6, и.в.) ва биринчи инстанция судидаги судланувчи И.Исломов уни болтанинг орқа қисми билан урганлиги хусусидаги кўрсатуви (жилд-10, и.в.100), судга оид тиббий экспертизасининг 2015 йил 29 январдаги 11-сонли хулосаси (жилд-6, и.в.237-238), ҳолат бўйича хизмат текшируви ўтказилган бўлиб, Бухоро вилоят ИИБ хизмат текшируви хулосасига кўра, судланган И.Исломов профилактика инспектори Н.Шамсиевни хизмат вазифасини бажаришдан воз кечишига мажбурлаш учун болта билан урганлиги аниқланган (жилд-6, и.в.240-242) ҳамда гувоҳ А.Фозилов, А.Салимов ва бошқаларнинг тушунтириш хатлари билан тасдиқланган (жилд-6, и.в.34).

Шу боис, судлов ҳайъати, биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун ишда асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 482, 509⁵⁻⁷, 509⁹⁻¹⁰-моддаларига амал қилиб, кассация инстанцияси судлов ҳайъати,

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича Когон шаҳар судининг 2015 йил 29 сентябрдаги Исломов Ихтиёр Аслоновичга оид ҳукми ўзгаришсиз, шикоят каноатлантилмасдан қолдирилсин.

Ажримдан норози томонлар Бухоро вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи:	имзо	Н.Жураев
Ҳайъат судьялари:	имзо	С.Ҳамроқулов
	имзо	Т.Тангриев

Ажрим нусхаси аслига тўғри:		
Маърузачи судья		Т.Тангриев

